

4/2022,  
iyul-avgust  
(№ 00060)



## ПАНДЕМИЯ ШАРОИТИДА ТУРИЗМИ СОҲАСИДАГИ ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИГА БЕРИЛГАН ИМКОНИЯТЛАР

**Равшанов Тўйли Гулмуродович**

Ўзбекистон Республикаси Туризм ва маданий мерос вазирилги Комплаенс назорат ва ички аудит хизмати бош мутахассиси, Маданий мерос обьектлари муаммоларини ўрганиш ва туризмни ривожлантириш иммий-тадқиқот институти мустақил тадқиқотчиси.  
Тошкент, Ўзбекистон. [tiu\\_1990tuyl@mail.ru](mailto:tiu_1990tuyl@mail.ru)  
DOI: [https://doi.org/10.55439/EIT/vol10\\_iss4/a21](https://doi.org/10.55439/EIT/vol10_iss4/a21)

### Аннотация

Ушбу мақолада пандемия шароитида мамлакатимизда ички ва зиёрат туризми йўналишларида фаолият олиб бораётган тадбиркорларга (туроператорлар) Ҳукуматимиз томонидан берилган имтиёз ва преференциялар натижасида туристлар оқими кўпайиши тадқиқ қилиб чиқилган. Шунингдек, мақолада 2020-2021 йиллар давомида хорижий ва маҳаллий туристларга саёҳатлар ташкил этган тадбиркорлик субъектлари харажатларининг бир қисмини қоплаш мақсадида, туроператорлар, турагентлар ва жойлаштириш воситаларига субсидиялар ажратилиши ўрганиб чиқилган.

**Калит сўзлар:** зиёрат туризми, субсидиялар, "Covid-19" пандемияси, туроператорлар, "Халол" стандартлари.

### Annotation

In this article, the increase in the flow of tourists as a result of benefits and preferences provided by the state to entrepreneurs (tour operators) working in the country in the field of domestic and pilgrimage tourism in a pandemic is examined. The article also discusses the issue of allocating subsidies to tour operators, travel agents and accommodation facilities to cover part of the costs of enterprises organizing trips for foreign and domestic tourists in 2020-2021 years.

**Keywords:** ziyarat-tourism, subsidies, "Covid-19" pandemic, touroperators, "Halal" standarts.

### Abstract

This article is examined the increase in the flow of tourists as a result of benefits and preferences provided by the state to entrepreneurs (tour operators) working in the country in the field of domestic and pilgrimage tourism in a pandemic. The article is also discussed the issue of allocating subsidies to tour operators, travel agents and accommodation facilities to cover part of the costs of enterprises organizing trips for foreign and domestic tourists in years of 2020-2021.

**Keywords:** Ziyarah tourism, subsidies, "Covid-19" pandemic, touroperators, "Halal" standarts.

## **Кириш**

Ўзбекистоннинг халқаро ташкилотлар ва хорижий давлатлар билан туризм соҳасида халқаро алоқаларнинг кенг кўламда ўрнатилиши, юртимизга ташриф буориётган туристлар оқимининг кўпайиши, уларга хизмат кўрсатиш сифати ва маданиятини ошириш, туристларнинг хавфсизлигини таъминлаш ҳамда туристик инфратузилмаларни ташкил этиш ва ривожлантириш уларни тартибга солиб турувчи ташкилий-иктисодий механизмларни такомиллаштиришни тақазо этмоқда.

Бутун дунёда пандемия билан боғлиқ вазиятнинг вужудга келиши ва туризм ва унга ёндош соҳаларда фаолият олиб борувчи тадбиркорлик субъектларига катта таъсир этиши натижасида ушбу тармоқлардаги фаолият юритувчи ташкилотларнинг фаолиятларига сезиларли кўрсатди.

Бундай шароитида мамлакатимизда туризм ва унга ёндош соҳаларда фаолият олиб бораётган корхона ва ташкилотларнига давлат томонидан ссуда, субсидия ва грантлар бериш ҳамда уларни қўллаб-қувватлаш муҳим мақсадлардан бири ҳисобланади.

Президентимизнинг 2021 йил 9 февралдаги “Ўзбекистон Республикасида ички ва зиёрат туризмни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6165-сон Фармонининг қабул қилиниши тадбиркорлик субъектларини айнан ушбу қийин шароитда қўллаб-қувватлашнинг асос бўлиб ҳизмат қилмоқда.

Зеро, уларни қўллаб-қувватлаш мавжуд корхоналарни банкортлиқдан қутқариб қолиш билан бирга, иш ўринларини сақлаб қолиш ҳам ҳукуматимиз олдида турган энг асосий вазифалар эканлиги билан аҳамиятлидир.

Ушбу Фармонга мувофиқ Вазирлар Маҳкамасининг 100-сон қарори тасдиқланиб, туроператорлар томонидан ташкил этилган саёҳатлар учун юртимиз ички ва зиёрат туризми юқори бўлган Бухоро, Нукус, Термиз ва Урганч шаҳарлари ҳамда Фарғона водийсига қатнов йўналишлари бўйича авиарейсларни, шунингдек Фарғона-Урганч-Фарғона, Термиз-Урганч-Термиз ҳамда Қарши-Урганч-Қарши авиарейсларини ва Андижон-Хива-Андижон темир йўл қатновини субсидияланган.

Унга кўра, субсидияланадиган авиа ва темир йўл қатнови йўналишларини, авиа чипталар ва меҳмонхона хизматларини субсидиялаш миқдорини белгилаш бўйича маҳсус комиссия қарори тасдиқланиб, авиааташувчиларга мамлакатимиздаги ички авиақатновларнинг чипта нархларини 25 фоизи ҳамда туроператор ва турагентлар томонидан маҳаллий сайёҳлар учун ташкил этилган турларга авиа ва темир йўл чипталари нархининг 15 фоизи миқдорида субсидиялар ажратиладиган авиа ва темир йўл йўналишлари белгиланган.

## **Мавзуга оид адабиётлар таҳлили**

Туризм соҳасида тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш ва уларга берилаётган имтиёз ва афзалликлар мазкур тармоқни тез ривожланиши учун муҳим омиллардан бири эканлиги ва ушбу пандемия шароитида “ҳалол” стандартларини жорий қилиш лозимлиги Олимжон Сайдмаматов, Умиджон Матякубов, Элбек Ходжаниязов, Жонатон Дай, Муҳаммад Назари Исмаил, С.Мандал, М.Опперман, Муҳаммад Батур ва бошқа олимлар томонидан ўрганилган.

Малайзияда туризм ривожланиши босқичларини ўрганган германиялик олим М.Опперман томонида алоҳида таъкидлаб ўтилган.

Хусусан, у томонидан Малайзияда туризм соҳа ривожланган ҳудудлардан бошқа ушбу тармоқ ривожланаётган ҳудудларга олиб ўтиш ҳамда жойлаштириш воситалари барпо этган тадбиркор ва инвесторларни қўллаб-қувватлаш учун уларни қуриш харажатларининг бир қисмини тўлаб бериш таклиф этилган. Шундан сўнг, Малайзия ҳукумати томонидан “Янги иқтисодий сиёсати” дастурини ишлаб чиқишида ушбу таклифлар инобатга олинган [8].

Шунингдек, малайзиялик олим Муҳаммад Батур томонидан пандемия шароитида тадбиркорлик субъектлари томонидан ишлаб чиқарилаётган “ҳалол” маҳсулотларига бўлган талабнинг янада ортиши ва стандартларнинг жорий этилиши лозимлиги ҳақида алоҳида тўхталиб ўтган [11].

Бундан ташқари, Урганч давлат университети ўқитувчилари Олимжон Сайдмаматов, Умиджон Матякубов ва Элбек Ходжаниязовлар ўзларининг “Ўзбекистон туризм саноатига “Covid-19” пандемиясининг таъсири ва пандемия даврида давлат қўллаб-қувватлаши” номли мақоласида ушбу соҳа вакиллари билан ўтказилган сўровномаларга асосан тадбиркорлик субъектиларининг даромадлари 25%дан 50%гача камайишини прогноз қилиб беришган.

Шу билан бирга, Ҳукумат томонидан пандемия ва ундан кейинги даврларда туризм тармоғида фаолият олиб бораётган тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш борасидаги имтиёз ва афзалликлар тўғрисида фиклари келтирилиб ўтилган [12].

Константин Курпаяниди, Алишер Абдуллаев, Гўзал Холкелдиева, Нилуфар Набиева ва Элнора Муминовалар “Covid-19” пандемияси даврида иқтисодий ва ижтимоий сиёсат: Ўзбекистоннинг уни юмшатиш режаси” номли мақоласида Ўзбекистонда пандемиянинг салбий оқибатларини юмшатиш мақсадида, пандемияга қарши курашиш учун Махсус фонди ташкил этилганлиги ҳамда туризм ва унга ёндош соҳаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашга қаратилган Президент Фармон ва қарорлари қабул қилинганлиги кўрсатилган.

Шу билан бирга, профессор Д.Рахимованинг “Коронавирус пандемиясининг глобал иқтисодиётга ва Ўзбекистоннинг иқтисодий ҳамкор мамлакатларига таъсири” номли мақоласида коронавирус пандемиясигача бўлган даврда иқтисодий ривожланиш ва пандемиянинг глобал иқтисодиётга ва иқтисодий ҳамкор мамлакатларига салбий таъсири ҳақида чуқур иқтисодий таҳлил ўтказган ва инқироз даврида амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирларни илгари сурган [13].

Шуни алоҳида айтиш керакки, бугунги кунда пандемия даврида туризм ва унга ёндош инфратузилмасини ташкил қилувчи тармоқларни инқироздан сақлаб қолиш борасида кўплаб олимлар ва экспертларнинг фикр ва мулоҳазалари айнан ушбу тармоқларни инқироздан сақлаб қолишнинг ягона йўли сифатида давлат томонидан мазкур соҳаларда фаолият олиб борувчи тадбиркорлик субъектларига ссуда, субсидия ва грантлар шаклида турли имтиёз ва афзалликлар беришни мақсаддага мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

### **Тадқиқот методологияси**

Тадқиқотда зиёрат ва ички туризмни ривожлантиришни белгилашда тадбиркорлик субъектларига берилаётган субсидияларни ҳисобга олиш ва шу орқали туризмнинг барқарор ривожланишини тизим сифатида ўрганиш методологияси қўлланилиб, бу борада мутахассислар фикрини ўрганган ҳолда, кузатиш, қиёслаш,

эмперик тадқиқот, тизимли ва қиёсий таҳлил ҳамда эксперт баҳолаш каби усуллари орқали туризм соҳасини таркибий қисмларининг ривожланиши йўналишларини белгилаб бериш усули таклиф этилгандир. Шунингдек, келажакда республикамиизда зиёрат туризми ривожланиши йўналишларининг устивор вазифаларига оид хуросалар қилинган ва республикамиизда туризмни такомиллаштиришга оид аниқ тавсиялар ишлаб чиқилган.

### **Таҳлил ва натижалар**

Президентимизнинг ички ва зиёрат туризмини ривожлантириш тўғрисидаги Фармонининг имзоланиши Фарғона водийсида истиқомат қилувчи аҳолининг ҳам Бухоро, Самарқанд ҳамда Хоразм вилоятларига, ушбу ҳудудлар аҳолисини эса Фарғона водийсига саёҳат қилишлари учун қулай имконият тақдим этди.

Хусусан, 2021 йил февраль ойида йўлга қўйилган “Урганч-Фарғона-Урганч” авиайўналишининг биринчи ойида самолётларнинг бандлиги 43,7 фоизни ташкил этган бўлса, туроператор ва туррагентларга яратилган қўшимча имконият натижасида самолётлар бандлиги март ойида 87,9 фоизга яъни икки баробарга ошди.



**1-расм. 2021-2022 йиллар давомида туроператор ва туррагентлар томонидан маҳаллий саёҳатларни ташкил этилганлиги учун ажратилган субсидиялар миқдори<sup>1</sup> (млн.сўм)**

Ушбу қарорнинг қабул қилиниши натижасида, биргина жорий йилнинг 6 ойи давомида саёҳат ташкилотчиларининг мамлакатимиз фуқаролари ва Ўзбекистон Республикасида доимий яшовчи фуқаролиги бўлмаган шахслар учун ташкил этилган саёҳат турлари учун Республика бюджети маблағлари ҳисобидан ушбу соҳада фаолият олиб бораётган 72 та туроператорларга жами 529,2 млн. сўм маблағлар ажратилди.

Ўз навбатида, туроператорлар томонидан ташкил этилган саёҳатлар сонининг ортиши уларнинг жойлаштириш воситаларига бўлган талабларининг кўпайишига турки бўлди. Жумладан, жорий йилнинг январь ойида зиёрат ва ички туризми салоҳияти юқори бўлган Бухоро ва Самарқанд вилоятларида жойлаштириш воситалари номер фондларининг бандлик даражаси атига мос равишад 15,8 ҳамда 16,2 фоизни ташкил

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Туризм ва маданий мерос вазирлигининг тақдим этган маълумотларга асосан муаллиф томонидан тайёрланди.

этган бўлса, мамлакатимиз каратин чекловларини инобатга олган ҳолда саёҳатлар ташкил қилиниши натижасида ушбу вилоятларда жойлашган жойлаштириш воситалари номер фонdlарининг бандлик даражаси мос равишад 25,1 ҳамда 34,2 фоизга ўсишига эришилди.


Мамлакатимизда жойлашган моддий маданий мерос обьектлари салоҳиятини кенг тарғиб қилиш ҳамда ислом оламида ўзларининг илмлари билан машҳур бўлган уломалар зиёратгоҳлари обод этилди ҳамда уларни хорижий мамлакатларда ёритиш мақсадида, улар ҳақида қисқа метражли видеороликлар тайёрланди.

Хусусан, Тошкент шаҳридаги “Сузук” ота мажмуаси, “Юнусхон” мақбараси, “Қалдирғочбий” мақбараси, “Шайх Хованд Тоҳур” мажмуаси, “Имом Мотуридий” ва Ўзбекистон халқаро ислом академияси ҳақида видеороликлар ишлаб чиқилди.

Бундан ташқари, мусулмон мамлакатлардан ташриф буюраётган туристлар ҳар томонлама қулайликлар яратиш ва хорижий мамлакатларда айнан зиёрат туризмини тарғиб қилиш мақсадида, “Ўзбекистонда Рамазонни нишонлаш учун 7 та сабаб”, “Ўзбекистон – Ислом цивилизацияси маркази”, “Муборак Рамазон” ва шу сингари тарғибот материаллари тайёрланиб, Бирлашган Араб Амирликлари, Малайзия, Индонезия, Россия ва бошқа мамлакатларда ёритилди.

Зиёрат туризми мақсадида ташриф буюраётган сайёҳларнинг талаб ва истакларини инобатга олган ҳолда сайёҳлар учун жойлаштириш воситалари, саёҳатлар, туристик қўлланмалар ва бошқа туристик хизматларни қамраб олган маҳсулотлар ва хизматларни бошқариш бўйича Ҳалол туризм хизматлари - умумий талаблар O'z DSt OIC/SMIIC 9:2021 (Halal tourism services - general requirements (OIC/SMIIC 9:2019) стандарти жорий этилди.

Унга кўра, жойлаштириш воситаларида кўрсатиладиган хизматлар ҳалол туризм стандартларига асосан таснифланди. Хусусан:



**2-расм. Ҳалол туризм хизматлари учун талаблар<sup>2</sup>**

Ушбу жорий этилган амалий ишлар натижасида, биргина 2021 йил давомида 2 та меҳмонхона “Musafir Hotel” ва “Chinor Garden Hotel” меҳмонхоналари ва 2 та умумий овқатланиш “Aksu” ва “Aban” ресторонлари “Ҳалол” сертификатлаш тизими бўйича иш бошлади йўлга қўйилди.

Дунёда “Covid-19” пандемияси билан боғлиқ мураккаб вазият вужудга келиши натижасида жаҳон иқтисодиётида энг кўп зарар кўрган соҳалардан бири туризм соҳаси бўлди. Бутунжаҳон туризм ташкилоти томонидан тақдим этилган статистик маълумотларга кўра, пандемия сабабли 2021 йил 6 ойи давомида атига 147 миллион киши саёҳат қилган бўлса, ушбу кўрсаткич 2019 ва 2020 йилларнинг ушбу даврларига нисбатан мос равишда 85 % ҳамда 65 %га камайган.

Мамлакатимизда коронавирус пандемиясининг салбий таъсири камайтириш, туризм ҳамда унга бевосита боғлиқ бўлган тармоқларни қўллаб-қувватлаш, кўплаб иш ўринлари ва малакали мутахассисларни сақлаб қолиш, шунингдек, санитария-эпидеомологик вазият яхшиланишига қараб туризм соҳасини жадал қайта тиклаш мақсадида, Президентимиз ҳамда ҳукуматимиз томонидан туризм соҳаси ва унга ёндош соҳаларга оид 10 тадан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Жумладан:

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 28 майдаги “Коронавирус пандемиясининг салбий таъсирини камайтириш учун туризм соҳасини қўллаб-қувватлашга доир кечикириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6002-сон Фармони;

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 июндаги “Туризм соҳасини санитария-эпидемиологик хавфсизликнинг кучайтирилган режими талабларига қатъий риоя қилган ҳолда ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4755-сон қарори;

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 февралдаги “Ўзбекистон Республикасида ички ва зиёрат туризмини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6165-сон Фармони;


- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 6 октябрдаги “Коронавирус пандемияси туфайли юзага келган иқтисодий вазиятда туризм соҳаси субъектларини қўллаб-куватлаш ва туризм инфратузилмасини ривожлантириш тўғрисида”ги 602-сон қарори;

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 24 февралдаги “Ички ва зиёрат туризмини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 100-сон қарори шулар жумласидандир.

Биргина, ушбу соҳада фаолият олиб бораётган тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш натижасида пандемия бўлишига қарамасдан, 2020 йилда 136 та янги меҳмонхоналар, 468 янги оиласиий меҳмон уйлари ва 121 та янги туристик ташкилотлари фаолиятлари йўлга қўйилди.

Пандемия шароитида хорижий ва маҳаллий туристларга саёҳатлар ташкил этган тадбиркорлик субъектлари харажатларининг бир қисмини қоплаш мақсадида, 2020-2021 йиллар давомида туроператорлар, турагентлар ва жойлаштириш воситаларига 2,9 млрд. сўмлик субсидиялар ажратилди.

Шунингдек, ушбу мураккаб вазиятларда ҳам жаҳон талабларига жавоб берадиган замонавий меҳмонхоналар қурган тадбиркорлик субъектларига 2019-2021 йилларда давлат бюджетидан 41,2 млрд. сўмлик субсидиялар берилиди.



**3-расм. 2021 йил давомида мамлакатимизга ташриф буюрган хорижий туристлар ва маҳаллий туристлар сони (минг нафар)<sup>3</sup>**

Ушбу йиллар давомида туризм ва унга ёндош соҳаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида олиб борилган сай-ҳаракатлар натижасида, 2021 йил давомида мамлакатимизга ташриф буюрган хорижий туристлар сони 1 881,3 минг нафар ҳамда ички туристлар сони 15 025,2 минг нафарни ташкил этди.

Юртимизга ташриф буюраётган хорижий туристларнинг саёҳат мақсадлариға назар ташласак, уларнинг аксарияти яъни 1 613,1 минг нафари сайёҳлар қариндошларини йўқлаш, 155,1 минг нафари дам олиш, 60,7 минг нафари хизмат сафари, 32,4 минг нафари даволаниш, 13,6 минг нафари тижорат ҳамда 6,4 минг нафари ўқиш учун келган.

#### **Хулоса ва таклифлар**

Юқоридагилардан келиб чиқиб, юртимизда икчи ва зиёрат туризми йўналишда фаолият олиб бораётган тадбиркорлик субъектларини янада рағбатлантириш мақсадида:

- Президентимизнинг 2021 йил 20 август куни мамлакатимиз тадбиркорлари билан ўтказган “Очиқ мулоқот” берган кўрсатмаларидан келиб чиқиб, туризм ва унга ёндош соҳаларда фаолият олиб бораётган тадбиркорлик субъектларига субсидиялар бериш тизими соддалаштириш;
- ички ва зиёрат туризмини янада ривожлантириш, ушбу йўналишда фаолият олиб бораётган тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш мақсадида, сайёҳларга байрам кунлари махсус имтиёзлар, чегирмалар ва акциялар тақдим этиш;

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Туризм ва маданий мерос вазирлигининг тақдим этилган маълумотларга асосан мўаллиф томонидан тайёрланди.

- мусулмон мамлакатлардан ташриф буюраётган зиёратчилар сонини янада кўпайтириш мақсадида, мазкур давлатлардан сайёхларни олиб келаётган туроператорларнинг (турагентлар) транспорт-логистика харажатларининг бир қисмини қоплаб бериш тавсия этилади.

Тадбиркорлик субъектлари билан очиқ мулоқотлар ва сайёр қабуллар ўтказилиши уларнинг олдиларида турган муаммоларнинг тезкор ва самарали ечим топишига хизмат қиласди.

Бундан ташқари, пандемия шароитида тадбиркорлик субъектларига имтиёз ва афзалликлар берилиши уларнинг ушбу соҳадаги фаолият юритишларининг давом этиши, ходимларига иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларнинг амалга ошириши ва туризм соҳасидаги иш ўринларининг сақлаб қолинишига хизмат қилиши билан аҳамиятли ҳисобланади.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикасининг “Туризм тўғрисида”ги Қонуни, 2019 йил 18 июль.
2. ЎРҚ-549-сон. (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 19.07.2019 й., 03/19/549/3446-сон).
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 январдаги “Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5611-сон Фармони.
4. - Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 28 майдаги “Коронавирус пандемиясининг салбий таъсирини камайтириш учун туризм соҳасини қўллаб-қувватлашга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6002-сон Фармони.
5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 28.12.2018. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2019. – 64 б.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 февралдаги “Ўзбекистон Республикасида ички ва зиёрат туризмини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6165-сон Фармони.
7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 24 февралдаги “Ички ва зиёрат туризмини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 100-сон қарори.
8. Oppermann, M. "Intranational Tourist Flows in Malaysia." Annals of Tourism Research, 1992, 19; pp-482-50.
9. Alieva M.T. Assessment of the development potential of the tourism industry in Uzbekistan. Хорижий мақола Journal of Management Value & Ethics Jan.-March 19, Vol.9 No.1, India ISSN-2249-9512.
10. Safaeva S.R., Alieva M.T. Organizational and economic aspects of the development of the international tourism and hospitality industry of Environmental Management and Tourism, 11(4), pp 913-919.2020.
11. Муҳамед Батурнинг (Mohamed Battour) “Muslim Travel Behavior in Halal Tourism” мақоласи, 2018.

12. Olimjon Saidmamatov, Umidjon Matyakubov, Jonathon Day, Peter Marty, Elbek Khodjaniyazov. "Impact Of Covid-19 on the tourism industry of Uzbekistan and state support during the pandemic" мақоласи, 2021 й. 3 декабрь.

13. Рахимова Дилфуза Нигматовна. "Коронавирус пандемиясининг глобал иқтисодиётга ва Ўзбекистоннинг иқтисодий ҳамкор мамлакатларига тъсири" номли мақоласи. //kun uz.03.07.2020 й.

14. Алиева М.Т.,Хужаназарова Н. Методика мониторинга финансового состояния туристической индустрии с помощью вспомогательного счёта туризма. Иқтисодиёт ва таълим. –Т., 2021, №4. –403–408-б.

15. Алиева М.Т., Иззатов Б.To Increase The Role Of Tourism In Development Of Uzbekistan Economy. International Journal of Progressive Sciences and Technologies (IJPSAT) ISSN:2509-0119. © 2022 ScholarAI LLC. Vol. 32 No. 1 April 2022, pp. 143-148

14.[www.uzbektourism.uz](http://www.uzbektourism.uz)

15.[www.statista.com](http://www.statista.com)